



НОҚУЛАЙ ҚУЛАЙЛИК

ёхуд йўл транспорт ҳодисаларини
ошираётган электросамокатлар



Бундан уч тўрт йил аввал самокатлар электр токи орқали ҳаракатланади, одамлар манзилига етиб олиш учун велосипедлардан эмас, кўпроқ электросамокатлардан фойдаланади, соатлаб тирбандликларда қолиб кетмайди, велосипедларга бўлган талаб пасаяди деган миш-мишларга тўғриси ишонмасдик. Бугун эса одамларнинг кўпчилиги тобора оммалашиб бораётган электросамокатлардан фойдаланмоқда. Кўча-куйда дейсизми, истироҳат боғларида дейсизми ҳатто буюртмаларни етказиб беришда ҳам электросамокатлар одамларнинг оғирини енгил қилаётгандек. Бироқ тирбандликнинг олдини олувчи, атроф муҳитга заҳарли газларни чиқармайдиган ихчам техника сифатида оммалашаётган электросамокатлар бизга қанчалик керак? Чиндан ҳам тирбандликнинг олдини олишда ёрдам берадими? Нега айрим давлатлар бу транспорт воситасига чекловлар қўймоқда?

(Давоми 4-саҳифада)

Оила ибрати

ҚЎША ҚАРИШ САОДАТИ

Бахт ўзи келмайди. Инсон ўзини бахтли қиладиган омилларни топиб, шунга интилиб яшаши даркор. Мен учун ўз ота-онамдек яқин қайнота-қайнонам ҳам меҳнат қилиб, элда эъзоз топган нурунийлардан. Қайнотам Худойкул Тинибеков юмшоқ сўзли, ўзиям кўнгулчан, зиёли инсон. Ёшлигида ветеринарликка ўқиб, узок йиллар Қўшрабат туманида зоотехник бўлиб ишлаган. Қайнонам Робия Тинибекова меҳнаткаш, сўзлари ўктам, айна пайтда жуда меҳрибон аёл. Бу икки инсон менинг фарзандларим учун ибрат ва намуна мактаби ҳам.

Ҳар йили тоғли қишлоқдаги оғир шароитлар боис улар пойтахтда – бизникида қишлашади. Уйимизда қишнинг ҳар бир куни байрамга тенг. Фарзандларим яхши кўрадиган кесканош, ғилминди, қуртоб, ширқовок ҳар куни тайёр. Менга ҳам яхши – фарзандларим назоратда. Эшик очиб-ёпадиган, тергайдиган одамлар бор. Ҳам бугун нима овқат соларканман, деган ҳар кунлик ташвишим йўқ. Эшикдан киришим билан бирор мазали таомнинг хиди келади. Хижолат бўлиб кексалар истиқболига шошаман:

– Ассалому алайкум! Нима қилардингиз овора бўлиб, ўзим овқат солардим.

– Сен ишли одамсан, мен бекорчиликдан овқат қилдим. Болалар бир яйради...

Куртоб пишириш нозик жараён. Мен унча ўхшата олмайман. Нимадир сири бор, оддийгина бу таомнинг. Ўғлим хурсанд:

– Энам қурт пишириб берди...

– Маза бўпти-да...

Кичкина югуриб келади:

– Отам китоб олиб берди.

– Қаердан?

– Мактаб ёнидаги китоб дўкандан.

Бу кунлар жуда тез ўтиб кетади-да. Сал кунлар илий бошласа, қайнотам:

– Энди қантар оғди. Биз йўлга чиқайлик.

Қишлоқдаям ишлар кўп...

– Кетманг, яна шунча кун тулинг... – қизим ўнта бармоғини кўрсатади.

– Қишлоқда нимаям иш бўлиши мумкин, ҳали қанақа совуқлар бор олдинда, – дейди

турмуш ўртоғим.

– Бориш керак. Бир-иккита таъзиялар ўтди. Қишлоқчилик, уят бўлади.

Бир ҳафтача зўрга ушлаб турамыз. Бир куни ишдан келсак, сумкалар эшик ёнида тайёр бўлади. Биламан, бу бизга “Йўлдан қолдирманглар” деган ишора. Хуллас, уйимизни хувиллатиб йўлга чиқишади...

Кейин ёзги таътилни кутамиз. Қишлоққа боришимиз билан қайнотам бирорта эчкими, улоқми сўяди. Қайним болаларни ёнига олиб кабоб елпийди. Овсиним тандир-тандир нон ёпади. Қўни-қўшни чиқади. Қайнонам биз олиб борган рўмолми, кўйлакми қўшниларга кўрсатиб ўтиради. Уларни ўз ота-онамга ўхшатаман. Фарзандлар, неваралар саодати билан кун кечираётган ҳар бир ўзбек нурунийси шундай бўлса керак, аслида. Эътибор бериб қаралса, кексалари бор уйда барака бўлади. Болаларнинг ҳам тарбиясида кўз илғамас, нозик жиҳатлар шаклланади. Қанотамнинг болаларга айтиб ўтирадиган ўғитларига кулоқ тутиб шунга амин бўламан. Нонни икки қўллаб ушат, овқатни ўнг қўлда е, чойга пуфлама, пойабзални кийишдан олдин қоқиб ташла... бу каби одоб ва ахлоқ сингдирилган қойишларнинг чеки йўқ. Болалар ҳам ўз ўрнида тарбия топиб бораверишади. Қайнонам эса донолиги билан ҳаммаша лол қолдиради. Ҳар бир вазият ёки ҳолатга мақоли тайёр. Ўғлим дафтар тутиб бу мақолларни ёзиб боради. Айна пайтда элликка яқин мақол йиғди.

(Давоми 5-саҳифада)

Муносабат

ИНСОН ҚАДРИ

— ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ МАҚСАДИ

Айни кунларда “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун” ғояси остида мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз икки йиллик байрамини нишонлашга тайёргарлик кўрмоқдамиз. Ўтган давр мобайнида халқимиз барча жабҳаларда асрларга татиғулик ютуқ ва натижаларни кўлга киритди, юксак марраларга эришилди.

Узоққа бормасдан, сўнгги йиллар давомида суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилган ислоҳотларга тўхталсак.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мазкур соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариб, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ ҳамда ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш борасида янги даврни бошлаб берди.

Жиноят, жиноят-процессуал, фуқаролик процессуал ва бошқа қонун ҳужжатларига инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини таъминлаш, суд муҳокамасини адолатли ва ўз вақтида ўтказиш, жазонинг адолатли ва инсонийлиги кафолатларини кучайтиришни инobatга олган ҳолда одил судлов самардорлигини оширишга қаратилган бир қатор ўзгаришлар киритилди.

“Хабеас корпус” институти қўлланишини янада кенгайтириш доирасида прокурорларнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш каби тергов ҳаракатларини ўтказишга санкция бериш бўйича ваколатлари судларга ўтказилди. Бу ўзгаришлар инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормаларига тўла мос келади.

Судда иш юритиш тезкорлиги ва сифатини ошириш, иш бўйича яқуний қарорлар қабул қилиш муддатларини асосиз кечиктиришни бартараф этиш, судларнинг жиноят процессидаги ролини оширишга қаратилган янгилик сифатида суд томонидан жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш институтининг бекор қилинганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини қайта кўриб чиқишнинг амалдаги тизимини такомиллаштириш, суд процесси муддатлари ва сифатига салбий таъсир кўрсатувчи ортиқча оралик инстанцияларни бартараф этиш мақсадида вилоят даражасидаги судлар томонидан фуқаролик ва жиноят ишларини назорат тартибида қайта кўриш бўйича бир-бирини такрорловчи инстанциялари тугатилиб, ўз навбатида, тегишли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибида протест келтириш ваколати бекор қилинди.

Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган янги суд тизими, маъмурий судлар шакллантирилди.

(Давоми 3-саҳифада)

ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ...

Озарбайжоннинг маданий пойтахти Шуша шаҳрида Қозоғистон, Озарбайжон, Туркия ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ўртасида Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилотини тузиш тўғрисида Битим имзоланди

Туркий тилли давлатлар ўртасидаги ўзаро мулоқотлар, муаммо ва ривожланиш истиқболларини биргаликда белгилаш, алоқаларни ривожлантиришга устувор масала сифатида қаралаётгани эътирофга лойиқ иш, албатта. Шунини алоҳида айтиш керакки, ташкил этилган илк йилларда, фақат мафкуравий руҳият асосига қурилгандек таассурот уйғотган мазкур ташкилот – Туркий давлатлар ташкилоти бугунга келиб, чин маънода иқтисодий, ижтимоий-маданий халқаро институтга айланиб бораётганини кўришимиз мумкин. Бирлашманинг нуфузи, характери ва унга бўлган эътиборнинг ортишида Ўзбекистоннинг сезиларли таъсири бор. Аммо ҳозир гап бу ҳақда эмас.

Гап айна ташкилот ўз фаолияти-ни жадал кенгайтираётгани ҳақида-дир. Бир замонлар қизиқиш доира-си мафкуравий, очиқроқ айтганда, кўпроқ этномаданий характерни акс эттирган бу ташкилот айна дамда барча жабҳаларда жуда фаол. Буни ташкилотга аъзо давлатлар касаба уюшмалари федерациялари ҳамкор-лиги мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шу йилнинг 27-30 июль кунлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Фе-дерацияси делегациясининг Озар-байжонга ташрифи айна нуқтаи на-зардан тарихий аҳамият касб этди, дейиш мумкин.

Қирғоқларини Каспий денгизи ювиб турадиган Боку бир қарашда, ўзида ҳам Шарқ, ҳам Ғарб меъмо-рий анъаналарини уйғунлаштирган шаҳар ўлароқ таассурот қолдирди менда. Кейинги йилларда шаҳарсоз-лик хийла ривожланган. Буни барча йирик постсовет кентларида учра-тадиганимиз совет анъанавий архи-тектурасининг кўздан панароққа ўт-ганида ҳам англаш мумкин. Кенг ва рагон кўчалар, шаҳарнинг сокин ва озодлиги, бошкентнинг ўта мада-ният ва дид билан лойиҳалаштирил-гани Боку ўзининг янги умрини бошлаётганидан дарак бериб турар-ди, гўё.

Ҳарорат Тошкентга нисбатан беш-олти даража пастроқ бўлса-да, ҳаво дим. Бу намликнинг юқорили-ги ҳисобига бўлиши мумкин.

Делегациямиз пойтахтдаги «Fairmont» меҳмонхонасига жой-лашди. Бу ерда биздан ташқари, туркиялик, қозоғистонлик ҳамда қирғизистонлик меҳмонлар, ҳам-касбларимиз ҳам қўним топишди. Вақт тиғиз бўлгани учун ишга тез киришилди. Федерациялар раҳбар-ларининг мулоқотларига тармоқ касаба уюшма вакиллари ҳам қўши-лишди.

28 июль куни тонгдан меҳмонлар-нинг Озарбайжоннинг биринчи пре-зиденти Ҳайдар Алиев мангу қўним топган Хотира майдонига ташрифи уюштирилди. Ушбу майдоннинг маҳобати қардош элнинг ўз улуғла-рига бўлган чексиз эҳтироми рамзи ўлароқ кишида чуқур таассурот уй-

ғотиши табиий. Меҳмонлар майдон-да дафн этилган Ҳайдар Алиев, уму-ман, Алиевлар сулоласи вакиллари, ушбу халқ тарихида ўзидан катта из қолдирган азиз инсонлар хотираси-ни ҳам ёдга олдилар.

Ушбу манзилга узок бўлмаган яна бир зиёратгоҳ – Шаҳидлар хотираси майдони меҳмонларнинг иккинчи қадамжоси бўлди. Мазкур майдон Озарбайжоннинг мустақиллиги ва озодлиги учун жонини қурбон қил-ган миллат қахрамонлари хотираси-га барпо этилган. Суратлари қатор-лаштирилиб тизиб чиқилган мархум қахрамонларнинг ёшлари, ижти-моий мавқелари турлича бўлса-да, уларни бирлаштириб, бир жойга жамлаб турадиган бир сана бор: 1990 йил, 20 январь. Улар шу куни ҳаётдан кўз юмганлар...

Албатта, «қайта қуриш» оёқлаб собиқ иттифоқ «қулаётган» кез-ларда бу ўлкада юз берган сурон-ли воқеаларни кўпчилигимиз яхши эслаймиз. Озарбайжон халқига мустақиллик, бугунги озодлик ўз-ўзича келмаган. Унга катта йўқо-тишлар, ситамли айрилиқлар эва-зига эришилган. Майдондан 1992 йилда Тоғли Қорабоғда бўлиб ўтган қонли тўқнашувлар қурбонларига ҳам алоҳида ўрин берилган.

Озар дўстларимиз ўзларига яқин деб билган биз қардошларни шу куни Озарбайжон халқининг қалб қўри тикилган Тоғли Қорабоққа тақлиф этишди. Бунда катта рам-зий маъно бор эди, албатта. Очиғи, пойтахтдан қарийб 400 чақирим на-рида жойлашган бу ўлкага сафар Ватанни, унинг бир қарич ери, бир сиким тупроғини муқаддас биладиган халқларимизнинг юртга бўлган садоқати, меҳрини ифода этиш учун ҳам арзирли манзил эди, назаримда. Манзил бўйлаб ўтган йигирма сак-киз йиллик можароларнинг излари-ни ўз кўзимиз билан кўрдик. Ҳа, бу даҳшатли уруш ва нотинчликлар оқибати ўлароқ, минглаб хонавай-рон қилинган уй-жойлар, бутун-бу-тун қишлоғу овуллар, ҳалигача «ёпик» муҳри урилган минглаб гек-тар минадан тозаланмаган ёки хавф-ли ҳисобланган далаю қир-адирлар-

нинг кўз олдингизда намоён бўлиши одамни кўп ўй-хаёлларга етаклаши табиий эди. Бир пайтлар бу манзил-ларда еттига аҳоли пункти бўлган ва уларда қарийб бир миллион аҳоли яшаган.

Тоғли Қорабоғ деб номлашга ўрганилган ушбу ҳудудга кираве-ришда ҳар бир киши жиддий тек-ширувдан ўтказилар экан. Буни тушуниш мумкин. Аммо қатъий-лаштирилган тартиб-қоидалар ўз йўлига, бу ҳудудда ҳаётнинг қайта изга тушишига, хусусан, бунёдкор-лик, қуриш-қурилишга таъсир эта-ётгани йўқ. Қарийб юз километрдан кўпроқ масофада мамлакатнинг қу-рилиш салоҳияти бўй кўрсатиб ту-рибди. Энг аввало, йўл инфратузил-маси яхшиланмоқда. Баланд тоғли ҳудудларга етгач, Озарбайжон йўл-чиларига офарин, дейишдан бошқа баҳо топмадик.

Очиғи, оз фурсатда тоғлараро ўта сифатли, нишабликлар, паст-у ба-ландликларнинг барча инжиқликла-рига ва замонавий шартларга жавоб бера оладиган йўл бизни ажиб хаёл-ларга чорлади. Балки, мавриди эмас-дир, аммо биргина шу йўлнинг ўзи-ёқ қардош дўстларимизнинг ушбу тарихий ғалаба боис мустаҳкам бирдамликка эришганидан дало-лат бериб турар эди. Йўл ҳар қандай даврда ҳам мамлакатнинг иқтисоди-ётида, ривожланишида муҳим белги бўлиб хизмат қилади. Муҳим белги-ки, унга жуда кўп муаммоларнинг бош ечими сифатида ҳам қаралади. Шу маънода, Озарбайжон йўлчилари миллат ва халқнинг ишончини тўла оқлай олаётган мард ва жасо-ратли кишилар эканига гувоҳ бўл-дик ва уларнинг меҳнатига таҳсин-лар айтдик.

Шуша шаҳри бугун ушбу ўлка-нинг маданий маркази ҳисоблана-ди. Ушбу шаҳарнинг қияликлар ва пасту баландликлар устида қури-лаётган маъмурий ва маиший-ма-даний бино-иншоотлари, мактаб ва боғчалари, сайёҳлик объектлари ҳам дид билан ҳамда узокни ўйлаб, пишиқ-пухта ва замонавий талаблар даражасида бунёд этилмоқда. Мени, айниқса, шаҳар аҳлининг маданияти хурсанд қилди. Ҳали тўла асфальт ётқизилмаган кўчаларга чанг кўта-рилмаслиги учун пешма-пеш сув сепилмоқда. Меҳмонхоналардаги шароитлар эса Европа стандартла-ри билан бемалол бўйлашади. Имо-ратлар яқин чорак асрда қайта таъ-мирга эҳтиёж сезмайдиган даражада кўркам, салобатли ва энг муҳими, мустаҳкам қурилмоқда. Бу катта ютук.

Шуша тумани маъмурияти би-носида Туркий давлатлар касаба уюшмалари Федерациялари ташки-лотига асос солинди. Ўзбекистон, Туркия, Озарбайжон ва Қозоғистон касаба уюшмалари раҳбарлари ва вакиллари бу хусусдаги шартно-мани имзолادилар. Қирғизистон вакиллари кузатувчи мақомида бў-лишди.

Ушбу ҳужжатни мамлакатимиз томонидан Ўзбекистон касаба уюш-малари Федерацияси раиси ўрин-босари Бахтиёр Маҳмадалиев им-золади. У маросимда сўзга чиқиб, қардош ҳамкасбларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов ва беш ярим миллион аъзоси бор ташки-лотимиз номидан қизгин салом ва табрикни етказар экан, янги ташки-лотнинг таъсис йиғилишини Ўзбе-кистонда ўтказиш таклифини илга-ри сурди.

Бу воқелик муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Зеро, илдизи бир бўлган қардош халқлар ўртасидаги яна бир ҳамкорликка асос солин-моқда. Бундан буён ушбу ташки-лотнинг мақоми белгиланиб, ўзаро ҳамжиҳатликда низоми ишлаб чиқи-лади. Озарбайжон касаба уюшмала-ри федерацияси раиси Саттор Муҳи-балиев ўз сўзида мазкур тарихий битимнинг аҳамияти ҳақида тўхта-лар экан, бу қадам давлат раҳбар-ларининг яқинлик ва ҳамжиҳатлик сари юз тутаётган изчил сиёсатига ҳамоҳанг тарзда амалга ошаётгани-ни қайд этди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Тур-кий давлатлар ташкилотини янада ривожлантириш борасидаги ташаб-бусларини эътироф этар экан, ушбу шаҳарда Ўзбекистон томонидан қу-рилаётган мактаб айнан мана шу як-дилликнинг ўзига хос намунаси эка-нини таъкидлади.

Шушадан катта таассуротлар би-лан қайтаётганимизда кўнглимиз-дан ажиб ҳиссиётлар кечди. Халқи-мизда пурҳикмат ва асрлар оша ўз исботини топган гап бор: «Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун ба-рака кетади». Агар юртда уруш бўл-са-чи?.. Озарбайжон қарийб 30 йил-лик жароҳатдан энди тикланиш сари юз тутаётган бир оила, хонадон янглиғ намоён бўлмоқда эди.

Дарҳақиқат, юрт тинчлигига тенг келадиган бойлик йўқ.

Жараёнлар эса давом этади. Муҳими, биз ўз дўстларимизга яна-да яқинлашмоқдамиз.

Хайрли бўлсин!

Хусан ЭРМАТОВ

ИНСОН ҚАДРИ — ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ МАҚСАДИ

(Боши 1-саҳифада)



Мамлакатимизда хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳудудларда ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқишга ваколати бўлган туманлараро, туман ва шаҳар иқтисодий судлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилиниши Ўзбекистонда суд ҳокимиятини ягона тизим сифатида тубдан такомиллаштириш, одил судловни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ ҳамда ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида муҳим ҳужжат бўлди.

Фармонга мувофиқ, номзодларни танлаш ва судьялик лавозимида тайинлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, судьяларнинг мазкур жараёндаги иштирокини кенгайтириш, юқори малакали судьялар корпусини шакллантириш учун масъул бўлган органнинг мақоми ҳамда ваколатларини ошириш мақсадида судьялар ҳамжамиятининг органи ҳисобланадиган ва суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципага риоя этилишини таъминлашга кўмаклашадиган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 30 ноябрдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асосида 2018 йил 4 апрелдаги қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни билан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига фойдаланишни тақиқловчи бутунлай янги — “Далилларнинг мақбул эмаслиги” ҳақидаги 951-моддаси киритилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига киритилган ўзгартишларга муво-

фиқ, далилларни сохталаштирганлик (қалбақлаштирганлик) учун Жиноят кодекси 2301-моддасига асосан жиноий жавобгарлик белгиланди, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўлланганлик, ёлғон гувоҳлик ва ёлғон хабар берганлик учун Жиноят кодекси 235, 237 ва 238-моддаларида назарда тутилган жавобгарлик кучайтирилди.

Мамлакатимизда тергов фаолиятида «Инсон қадрлари учун» деган эзгу ғояни тўлиқ рўёбга чиқариш, жиноятларни ўз вақтида қош этишни ташкил этиш тергов органларининг фаолиятини қонун устуворлигини ва қилмиш учун жазо муқаррарлигини таъминлаш тамойили асосида такомиллаштиришнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланганлиги инobatга олиниб, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ва замон талабларига жавоб берадиган тергов соҳасидаги юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг самарадорлигини тубдан ошириш, Янги Ўзбекистон шароитида жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш амалиётини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, ушбу йўналишга илғор халқаро стандартлар ва замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида 2022 йил 28 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Зеро, чинакам адолатли суд тизимини шакллантириш ва адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш орқалигина халқнинг, шу жумладан, тадбиркорларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, суддан, пировардида эса давлатдан рози бўлишига эришиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш, қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш мумкинлиги ҳеч кимга сир эмас.

2022 йил 20 декабрда Президентимиз мурожаатномасида, юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш масалаларга алоҳида тўхталиб, эришилган натижалар ва келгусида-

ги вазифалар ҳақида сўз юритилиб, давлат ҳисобидан бепул таъминланадиган адвокатларни электрон танлаш тизимининг тўлиқ ишга туширилишини таъминлаш, қисқа муддатда ҳуқуқ-тартибот идораларини янгилашга ўргатадиган, одил судлов сифатини оширадиган тизим яратиш, одамларимизнинг жойларда судма-суд сарсон бўлиб юришларига барҳам бериш учун адолатли ҳукм ва қарор чиқариш бўйича вилоят судларининг ваколати ва масъулиятини ошириш, тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувини эшитиш ва мулкни хатлашга санкцияни прокурордан судга ўтказиш, тергов сифатини ошириш, тергов шахсни айблаш учун эмас, жиноятни қош этиш орқали ҳақиқатни аниқлаш учун ишлаш тизимига ўтиш, судда ишларни кўришда қатнашадиган алоҳида прокурорлар корпуси шакллантириш, жиноят иши фақат айблов ҳулосаси билан эмас, балки ҳимоячининг фикри билан бирга қабул қилиш амалиётини йўлга қўйиш, айбланувчининг ҳимоячидан воз кечиши бўйича ҳар бир ҳолат прокурор, суд томонидан синчиклаб ўрганиладиган тизимни жорий қилиш, вақтинча ушлаб туриш жойларида инсон ҳуқуқлари бузилиши олдини олиш мақсадида жойларга олиб келинган барча шахсларни ҳисобга олишнинг онлайн тизими жорий этиш ва юзни таниш ускунаси ўрнатиш, илғор хорижий тажрибалар асосида маъмурий судлар фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш, бу борада Халқаро тижорат судини Ўзбекистонда ташкил қилиш бўйича ҳам амалий ишлар бошлаш юзасидан аниқ таклифлар ва кўрсатмалар берилганди.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин, 2023 йил 16 январда Президентимиз томонидан имзоланган иккита тарихий ҳужжат, яъни “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон ва ушбу Фармон ижросини самарали таъминлаш мақсадида имзоланган “Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон, мурожаатномада билдирилган таклифларнинг ижросини амалда таъминлашга қаратилган.

2023 йил 30 апрелдаги умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, суд-ҳуқуқ соҳаси бўйича “Миранда қоидаси”: шахсни ушлаш чоғида унинг ҳуқуқлари ва нима са-

бадан ушлангани содда тилда тусунтириш бериш шартлиги, “Хабеас корпус” институти: шахс суднинг қарорига қадар кўпи билан 48 соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмаслиги, ўлим жазоси тақиқланиши, шахснинг судланганлиги ва ундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклашга асос бўлиши мумкин эмаслиги, махбусларга нисбатан инсоний муносабат ва уларнинг кадр-қиммати таъминланиши шартлиги, маъмурий, фуқаролик, иқтисодий, жиноий жавобгарлик ва бошқа йўналишдаги ишларни кўриб чиқишда инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари — қонуний мақсадга эришиш учун етарли бўлиши ҳамда шахсга имкон қадар енгиллик яратиши кераклиги, суднинг қарорисиз ҳеч ким уй-жойидан маҳрум қилинмаслиги кераклиги, иморат бузилишга тушганда бузишдан олдин унинг қийматига мос компенсация тўланиши шартлиги, уй-жойга ёки шахснинг бошқа мол-мулкига унинг рухсатисиз кириш, уларни кўздан кечириш ва тинтув ўтказишга фақат қонунда белгиланган ҳолат ва тартибда йўл қўйилиши ҳақидаги қатъий нормалар киритилди.

Дарҳақиқат, бугун юртимизда олиб борилаётган барча йўналишдаги ислохотларнинг марказида инсон омили турибди. Бу ҳаётий ҳақиқатни Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасидаги “Инсон манфаатлари ва яна бир бор инсон манфаати ислохотларнинг бош мақсади этиб белгиланди”-деб, билдирган сўзлари ҳам исботлаб турибди.

Зеро, ислохотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам шу муқаддас заминда истиқомат қилаётган ҳар бир инсоннинг орзуларини рўёбга чиқариш ҳамда унинг учун муносиб турмуш шароитларини яратишдан иборат экан, ҳар биримиз бу борада зиммамиздаги улкан масъулиятни тўла ҳис этиб, ҳалол ва виждонан бажаришга, одил судловни фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширишга, халқимиз ва Президентимиз олдида берган қасамдимишга ҳамisha содиқ қолишга ваъда берганлигимизни унутмаслигимиз, шу эзгу мақсадларга хизмат қилишни фаолиятимизнинг асосий мезонига айлантириб, дахлдорлик ҳисси билан меҳнат қилишимиз даркор.

Шахзод БАХТИЁРОВ,
Қашқадарё вилояти суди
жиноят ишлари бўйича
судьяси

(Боши 1-саҳифада)

Курсдошларимиз билан пойтахтнинг коқ марказида жойлашган Амир Темур хиёбонига айланишга бордик. Авваллари велосипедлар билан тўлиб турадиган майдонни ўрнини электросамокатлар эгаллаган. Майдоннинг қайси бурчагига қараманг, болалар, ҳатто ёши катталар ҳам электросамокатларни вақтинча ижарага олиб учияпти. Самокатларни ярим соатга ижарага олиш тахминан 50 минг сўм атрофида экан. Биз ҳам олиб учига киришиб кетдик. Аммо хурсандчилигимиз узокқа бормади. Курсдошларимиздан бири майдонни айланиб юрганлардан бирини бошқарувни йўқотиши оқибатида туртиб юборди. Хайриятки ҳеч ким оғир жароҳат олмади. Кета туриб мана шундай (электросамокатда одамларни уриб юбориш) ҳодисалар кўп юз бераётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Статистик маълумотларга қараганда сўнгги икки йилда Италияда 17 киши, 2021 йилда Буюк Британияда 10 киши электросамокатлар уриб кетиши оқибатида вафот этган, 331 нафар одам оғир жароҳат олган. 2022 йилда эса Францияда 27 киши, хусусан, Парижда 3 киши ҳаётдан кўз юмган, 459 киши жароҳатланган. Худди шу йилнинг ўзида Германияда электросамокатлардан фойдаланиш оқибатида жами 442 та бахтсиз ҳодиса рўй берган.

Ҳа, бу шунчаки рақамлар, статистика бўлиши мумкин. Лекин арзимаган кўнгилхушликни деб дунё бўйича қанчадан-қанча одамлар ҳалок бўлиб, жароҳат олмади. Ачинарлиси эса электросамокатлар иштирокида рўй бераётган йўл транспорт ҳодисаларида айрим одамларнинг майиб, мажруҳ бўлиб қолаётганлиги бўлса, ушбу транспорт ҳодисаларининг кўпи ёшлар вояга етмаган болаларнинг иштирокида бўлаётганлиги дилни янада хира қилади.

Сўнгги вақтларда юртимизда айниқса пойтахтимизда ҳам электросамокатларни ижарага олиш, уларнинг хизматидан фойдаланиш оммалашяпти. Тошкент шаҳрида электросамокатлар хизматидан фойдаланиш хизмати чамаси 2022 йилнинг апрел ойларидан йўлга қўйилган. Албатта қисқа вақт ичида унинг фойдаланувчилари сони анча кўпайди. Буни кўчаларда шу транспорт воситасини ҳайдаб кетаётган одамлар ёки ташлаб кетилган электросамокатлар сони ортиб бораётганидан ҳам билиш мумкин.

Хўш, шахримиз аҳолиси учун электросамокатлар айнан қандай вазифи бажармоқда? Манзилга етиб олиш учун қулай қурилмами ёки шунчаки кўнгилочар дам олиш воситаси? Унинг афзалликлари ва камчиликлари нимада?

Тоза ҳавони асрашда кўмакчи, автомашиналар учун қатор муаммолар

Электросамокатлар электр токида ҳаракатлангани учун ҳам экологик фойдали қурилма бўлиб, бу каби транспорт воситалари атмосферага заҳарли газ чиқармайди, табиатни, тоза ҳавони асрашда самарали ҳисобланади. Ихчам ҳамда автомобиллар сони кўп ва доимий тирбандлик юзага келадиган йўллардан тезроқ

мени уриб кетди. Натижада оёғим шикастланиб, ҳали ҳамон шифокор назоратида турибман. Электросамокат учаётганлар нафақат автомобил йўлларига чиқиб ҳайдовчиларга катта муаммо туғдирапти, балки пиёдалар йўлакчаларида ҳам тезликни камайтирмай ҳаракатланиши оқибатида пиёдаларга ҳам жиддий жароҳат етказяпти, – дейди ЎзЖОКУ талабаси Диёрбек Абдурахмонов.»

Юқоридаги каби ҳолатларни

таклифлари ҳам билдирилган.

Японияда электросамокатда давлат рақами ва ён ойналари бўлиши керак, шунингдек, уларнинг пиёдалар йўлагиди ҳаракатланиши ҳам тақиқланган. Буюк Британияда электросамокатдан фойдаланувчилардан «Q» тоифали ҳайдовчилик гувоҳномаси талаб қилинади. Россияда эса жорий йилдан электросамокатлардан фойдаланувчиларнинг юк ва бошқа йўловчиларни ташиши тақиқланган.

НОҚУЛАЙ ҚУЛАЙЛИК

ёхуд йўл транспорт ҳодисаларини ошираётган электросамокатлар

ўтиб, манзилга етиб олиш имконини берса, Макроиктисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институтининг ўрганишларига кўра, ҳозирда бу транспорт воситаларининг бетартиб ҳаракатланиши пиёдалар, велосипедчилар ва автомашиналар учун қатор муаммоларни туғдирапти.

Уларнинг айтишича, самокатларнинг автомобиль йўлидаги бетартиб ҳаракати ҳайдовчиларда стрессни келтириб чиқаради. Пиёдалар йўлагиди кимўзарга ўйнаш қариялар, болалар ва ногиронлар учун хавф туғдиради, электр самокатларнинг йўлларда бетартиб қолдириб кетилиши пиёда ва автомобиллар ҳаракатига салбий таъсир кўрсатади, вояга етмаганлар ва маст ҳолдаги кишиларнинг бу қурилмаларни ижарага олиши эса йўл транспорт ҳодисаларининг кўпайишига сабаб бўлади.

«Фойдасидан зарари кўп...»

«– Серкатнов йўл ёқасида турганимни биламан, йўлнинг четида электросамокат учиб кетаётган ёшгина болани машина уриб кетди. Боллага нима бўлганини биламан, ҳайдовчи дарров касалхонага олиб кетди. Бир онда фарзандларим кўз олдимдан ўтди. Ўша ёш боланинг ўрнида фарзандим бўлганда нима бўларди. Иложи борича электросамокат ҳайдаётганлар катта йўлга машиналар йўлига чиқмаслиги керак. Гоҳида ёш-ёш болалар тўп-тўп бўлиб машиналар қатнови гавжум бўлган катта йўлларда самокат учиради. Бу эса ҳайдовчиларга катта муаммо туғдиради. Бунинг оқибатида эса йўл транспорт ҳодисалари юз берапти. Бундан ташқари, электросамокатлар тротуардан юрганида пиёдаларни уриб юбориши ҳам мумкин. 20 км/соат тезликда инсонга бемалол жароҳат етказа олади, – дейди Фазлидин исмли такси ҳайдовчиси.»

«– Аслини олганда одамлар ўзига хавф соляпти, ўзини жароҳатлаяпти. Баъзилар уча олади, баъзилар эса йўқ. Яқинда ўқишдан қайтаётсам пиёдалар йўлакчасида электросамокат учиб кетаётганлар тез келиши ва бошқарувни йўқотиши оқибатида

эшитганмиз ё ўзимиз гувоҳи бўлганмиз. Аммо негадир электросамокатларга бўлган талаб кундан кунга ошиб бормоқда. Бунинг оқибатидан эса кимдир ўз ишини битиряпти, кимдир бутун умрга майиб бўлиб қоляпти. Аянарлиси кўчага тадбиркорлар томонидан соатини фалон пул қилиб ижарага берилётган электросамокатлардан учишни билганлар ҳам билмаганлар ҳам фойдаланяпти. Учишни билганику завқланар, биламаганларчи? Улар учишни билмаслиги оқибатида бугун йўл транспорт ҳодисаларининг сони оряпти.

Хорижда электросамокатларга чекловлар...

Хорижда электросамокатлар бир неча йиллар аввал оммалашиб бирқанча давлатлар электросамокатлардан фойдаланиш қандай оқибатларга олиб келишини ҳам бошидан ўтказган. Шунинг учун баъзи мамлакатларда электросамокатларга нисбатан чекловлар жорий қилмоқда. Макроиктисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институтининг ўрганишларига кўра, қатор хориж давлатларида электросамокатларнинг ҳаракатланишига тақиқлар қўйилган ёки қўйилмоқда. Бунга айнан самокатлар билан боғлиқ ЙТХлар ва бунинг оқибатида қурбонлар сони кўпайгани сабаб бўляпти. Яъни инфратузилмасида минимал талабларга жавоб берадиган шароит бор мамлакатларда ҳам янги тажрибани қўллашга эрта экани, бунинг учун аввало тартиб ишлаб чиқиш кераклиги айтилмоқда.

Масалан, шу йилнинг апрель ойида Парижда ўтказилган референдумда иштирок этганларнинг 90 фоизи бу транспорт воситалари ижарасини тақиқлаш тарафдори эканини билдирган.

2022 йилда Хелсинкида дам олиш кунлари ярим тундан кейин электросамокатларни ижарага олиш тақиқланган. Шунингдек, Финляндияда маст ҳолда электросамокат бошқарганларни жаримага тортиш, нотўғри «парковка» учун жаримага тортиш



Нима қилиш керак?

Асосий масала – шаҳарларда велоўлақлар қурилишини кўпайтириш, уларнинг сифати устидан назоратни таъминлаш. Бу – пиёдалар, ҳайдовчилар, велосипедчилар ва электросамокатчиларнинг хавфсизлиги учун энг бирламчи талаб.

Макроиктисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти маълумотида кўра, қонунчиликни такомиллаштириш ва технологик чораларни жорий қилиш ҳам керак бўлади. Хусусан, йўл ҳаракати қоидаларига «электросамокат» тушунчасини киритиш ва улардан фойдаланишнинг тартибини белгилаш, пиёдалар серкатнов ҳудудларда тезликни автоматик пасайтиришни жорий қилиш, қурилмадан бир вақтнинг ўзида икки кишининг фойдаланиши, шунингдек, маст ҳолда бошқаришнинг олдини олишни ҳамда қурилмалардан фойдаланишда ёш чегарасини жорий этиш, бунда Face-ID технологиясини ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек электросамокатларни тунда ижарага олишни чеклаш ва электросамокатлар турадиган махсус жойларни ташкил этиш зарур. Шундагина электросамокатлар иштирокидаги йўлтранспорт ҳодисаларининг олди олинар. Киритиладиган чекловлар туфайли автотранспорт воситалари йўлакларига чиқиб кетиши ҳамда тирбандликларнинг олдини олиш мумкин. Тўғри, замон билан ҳамнафас бўлиш керак, лекин бу дегани, ҳар ким хоҳлаган жойида хоҳлаган ишини қилиш керак деганимаску. Ҳамма нарсада ҳам меъёр бўлгани яхши. Бундай воситаларда ҳаракатланиш учун эса аввало йўлларнинг талаб даражаси ва созлиги зарурат бўлиб қолаверади.

Мансурбек ЖАББОРОВ

МАОШ ОЛМАЙДИГАН РАИС

— Қишлоқ шифохонасида сув бўлмади, — деди кимдир.
— Тез Маткаримовга айтиш керак, — деди ёнидаги киши.
— Муллаи Сўфи қабристонидagi мақбаранинг бир томони нураб тушибди.
— Маткаримовга айтиш керак.
— Фалончи оғир касалмиш, операция қилмаса бўлмасмиш...
— Маткаримов айтишлар...

Ёнимда Тошкентдан келган журналист ҳамкасбим бор эди. Юқоридаги гап-сўзларни эшитиб, менга юзланди:

— Ким у Маткаримов?

— Тохиржон дейишади, кишлоғимизнинг норасмий раиси.

— Раис деганнингиз-ку, тушунарли, — ажабланиб меҳмон. — Норасмий нимаси?

— Ҳамма иш маҳаллаларга кўчгач, қишлоқ кенгаши тугатилиб, раис лавозими ҳам йўқ бўлган, — дедим мен. — Лекин кишлоғимиз катта. Азалдан минг уйли Санг, дейишади. 25 мингга уёғида аҳолимиз, еттига йирик маҳалламиз бор. Қишлоқ катта бўлгандан кейин муаммо, ташвиши ҳам шунга яраша. Юз кўшчига бир бошчи демокчи, қишлоқ бўйича оқил бир раҳбарга эҳтиёж бор. Бу ишни ана шу Маткаримов бажаради. Ҳамма муаммоларини шу йигитга айтади. Эрталабдан эшиги тагида одамлар тизилиб кетади. Телефони бир зум бўлсин, тинмайди. Сангликларнинг барча иши, юмушига шу йигит балогардон.

— Нима, тушум-даромади каттами?

Бу саволдан ҳамма кулиб юборди. Меҳмоннинг ҳайронлиги ошди. Қишлоқ зиёлиларидан, кўпчиликка ҳақ сўзи, хайрли ишлари билан таниш Раҳимжон Маманазаров изох берди:

— Қанақа даромад! Бир тийин ойлик олмайди. Аксинча, пенсиясини борди-келдиларга сарфлайди. Шахсий машинасини ҳам асосан

ҳамқишлоқлари эҳтиёжи учун минади. Қушда тиним бор, Тохиржонда тиним йўқ. Кечаси-ю кундузи шу одамларни, ҳамқишлоқларини деб югургани югурган. Буёғини сўрасангиз, кишлоғимизга кўшимча газ тармоғи тортирган ҳам, барча маҳаллаларга тоза ичимлик суви олиб келган ҳам, тўхтаб қолган касалхона қурилишини қайтадан бошлатиб, битирган ҳам, Сирдарёга кўшимча муҳофаза зонаси қурдирган ҳам шу Тохиржон! Мана ҳозир ҳам қишлоқ усталарини ҳашарга чорлаб, Лангаразиз бува қабристонига дарвоза ўрнаттиряпти.

— Бир гаплашсак бўларкан...

...Тохиржонни кидириб Лангаразиз бува қабристонига бордик. Бу ерда бир гуруҳ йигитлар кун қайнаб ётганига қарамай қабристонга куббали дарвоза ўрнатиш билан банд. Тохиржон кўринмасди. Ҳорма-бор бўлдан кейин:

— Раис кўринмайдиларми? — дея сўрадим.

— Ҳозир келиб қоладилар...

Дарҳақиқат, сал ўтмай шундоқ ёнгинамизга “Дамас” келиб тўхтаб, ундан Тохиржон тушди. Терлаб, кизариб кетибди. Биз билан сўрашаётди, Маҳмуджонга қараб:

— Ҳозир айтган нарсаларингизни етказиб келишади, — деб қўйди.

Мен меҳмонни таништирдим.

— Э, шундоқми? — деди чиройи очилиб Тохиржон. — Хуш кўрдик.

— Эшитишимизча, ҳеч қандай бе-маош, бетаъма ишлар экансиз? — ку-

тилмаганда саволга тутиб қолди раисимизни меҳмон.

Тохиржон кулиб қўйди.

— Энг катта хобгоҳимиз ана шу Лангаразиз бува қабристони, — деди сўнг жиддий тусда. — Муқаддас жой. Не-не азиз авлиёлар, элу юртимиз учун кўп ишлар қилган улуг инсонлар, бобо-момоларимиз, ота-оналаримиз шу ерда ётишибди. Бир пайтлар анави йўлнинг нариги томонидан янги қабристон қилгандик. Қарангки, тўлиб бўлди. Энди ана шу эски қабристондан фойдаланмасак бўлмайди. Шунинг учун дарахтлар экдик, янги йўлкалар қиялпамиз. Кўриб турганларингдек дарвозамиз битиш арафасида. Уёқда, Гўзарда катта масжид қурилиши ҳам ниҳоясига етиб қолаёзди.

— Шунча ишларга маблағни қардан оласизлар?

— Қишлоғимизда меҳр-саховатли инсонлар кўп. Бу ишларнинг ҳаммасини уларнинг ҳомийлигида, ҳашар усулида амалга оширяпмиз. Масалан, ана шу қабристонни ободонлаштиришга, масжид қурилишига Россияда ишлаётган ҳамқишлоқларимиздан бири, умрингдан барака топкур Зоҳиджон Эминжон хожи ўғли катта ҳисса қўшяпти. Зоҳиджонга ўхшаган саховатпеша инсонлар оз эмас. Уста-ю ҳашарчиларни айтинг. Ҳаммалари ўзимизнинг ҳамқишлоқ йигитлар. Юрт иши деса ёпирилиб келишади. Мана ҳозир бу ерда усталардан Низомжон Эралиев, Аҳаджон Акбаров, Маҳмуджон Султонов, Муроджон Раҳмонов, қабристон ходимларидан Холмамат Исоков, Музаффар Озтовлар тер тўкиб ишлашяпти.

— Мен сиздан бемаош, бетаъма ишларкансиз деб сўрагандим, — деди меҳмон. — Ҳақиқатан ҳам доим эл ташвишида юришингиз сезилиб

турибди. Бу... ойлик олмасангиз... Оила... бола-чақа, тирикчилик масаласи нима бўлади?

Тохиржон менга қараб “роса саволкаш экан-ку, меҳмонингиз”, дегандек кулиб қўйди.

— Бизни шу эл, шу юрт катта қилди, — деди сўнг меҳмонга юзланиб. — Буёғини сўрасангиз, оддий ошхона ходими — сомсапаз эдим. Қишлоғимиз бузруклари раҳматли отам Машраббой муаллим, гўринг нурга тўлгур Икромали хожи ота, уста Ўлмас бувалар этагини тутиб улғайдим, улардан иш ўргандим. Ажойиб инсонлар эди улар. Эл-юрт иши деса жонларини берворишарди. Қачон қарасанг, масжидларни, қабристонларни тузатиб, обод қилиб юришарди. Буёғини сўрасангиз, қишлоғимизнинг чин хазинаси эди улар. Ана шу яхши инсонларга эргашиб, меҳнат қилганим сайин ишим юришди, обрўйим ошди. Кўп йил шу Пиллакаш маҳалласига раислик қилдим. Ҳозир нафақадаман. Лекин ўрганиб қолганмиз-да, бекор туролмаймиз. Нимадир қилиб, кишлоғим, ҳамқишлоқларим корига ярасам, дейман... Тирикчиликка келсак, худо берган уч азамат ўғлим бор. Улар ҳам ўзимга ўхшаган қурилиш устаси, ҳамиша эл хизматида. Машинани ҳам ўшалар олиб берган, энди насиб қилса, онаси иккимизни Умра зиёратига жўнатамиз, деб туришибди...

— Қойил, қани энди сизга ўхшаган фидойи инсонлар кўпроқ бўлса эди, умрингиз узоқ бўлсин! — деди меҳмон.

Мен эса Тохиржон Маткаримовдек ҳамқишлоғим борлигидан қалбимда ифтихор туйиб, юқоридаги воқеани қандоқ бўлса шундоғича қоғозга тушуриб қўя қолдим...

Ортиқали НАМОЗОВ

ҚўША ҚАРИШ САОДАТИ

(Боши 1-саҳифада)

Қайсидир йили турмуш ўртоғим қишлоқдан деҳқончилик учун 20 сотих ер олди. Кончилар шаҳарчасига яқин бу ерда табиат билан муроса қилиб деҳқончилик, боғбончилик қилинмаса, ҳосил юз кўрсатмаслиги мумкин. Бу жойни кайвониларимиз меҳр билан кўчат экиб, чиройли боғга айлантирди. Айни пайтда узумлари пишиб, шафтолилар рангга кириб турибди. Йил давомида пишиб турадиган қулупнай топиб экишган. Болалар қулупнай ичидан чиқмайди. Ёз бўйи дастурхонга, кўни-кўшниларга мева-чева улашишади. Бизни ҳам унутишмайди. Қишлоқдан келадиган смородина, олхўри, шафтолиларнинг мазаси бошқача-да.

Баъзан фарзандларим эрталаб уйқудан туришга дангасалик қилишса, қишлоқда одамлар тонгги юмушларини тугатишди, деб койийман. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Қуёш чиқмай ҳаммани ишга соладиган кексаларимиз офтоб киздира бошлаганда даладан қақриб олишади. Қай-

нонамнинг мақоли бор: “Эрта турган кишини — Худо ўнглари ишини”. Балки шунинг учундир қишлоқда кунларнинг баракаси бор. Анча-мунча иш қилиб, яна китоб ўқишга, меҳмонга боришга ҳам улгуриш мумкин. Аслида ғайратли одам қаримайди. 80 ёшдан ошган қайнотам қишлоқ кайвониси бўлиб, тўй-маъракаларда бош-қош. Уйда йиғилган китоблари, газета ва журналларини ёшлар олиб ўқиб қайтариб беришади. Айниқса, таътил пайтларида ҳар куни бир икки китобсеварлар дарвоза қоқиб келишади. Қайнонамнинг тўкиган шолча ва гиламлари, тиккан кашта-палаклари қишлоқнинг бир қатор қизларининг уйлари бегаган. Ҳамон дастгоҳни сошлаб беришса, шонасини тақиллатиб, қишлоқда тасирлок дейдиган гиламча тўқишга тушиб кетади. Дам олишга ўтирганида ҳам қўлида урчуғи айланиб туради. Ҳеч бўлмаганда қўлида жунми, пахта-ми титиб ўтиради. Баъзида биз — келинлар тушлик пайти дам олишга қираётганда Сиз ҳам дам олинг, десак, “Мен ишласам, дам оламан”, деб



жавоб беради.

Мана, Қўшрабоддан қайтыпмиз. Сумкаларимиз тўла қишлоқ неъматлари. Ҳайдовчи юкxonани очиб, нарсаларни жойлар экан, тош солганмисиз, дейди. Ҳа, кексалар тош берса ҳам ичида меҳр бўлади.

Бизнинг оиламиз дуоғўйлари — қайнотам ва қайнонамнинг умрлари узоқ бўлишини, уйлари-римизнинг тўрини тўлдириб ўтиришларини чин дилдан истаймиз. Ҳаммани ҳам қўша қариб, фарзандлар камолини, наваралар истикболини кўриб юришга етказсин.

Манзура ШАМС



БИР СОАТЛИК ДАРС

Мингта олий тоифали ўқитувчига "Ватанпарварлик" мавзусида бир соатлик дарс ўтишга топшириқ келди. Табиийки, мингта ўқитувчи олий тоифали бўлса ҳам ушбу дарсга минг хил тайёргарлик кўради. Дарс минг хил ўтилмаслиги учун "Ватанпарварлик" мавзусида мингта ўқитувчига, ўта юқори малакали профессор, академиклар томонидан тайёрланган мавзунинг, қисқача мазмуни ёзилган баёни (конспект) ҳам тарқатилди. Аммо барибир дарс минг хил ўтилади! Сабаби, мингта олий тоифали ўқитувчиларнинг қўлида бир хил тайёргарлик баёни бўлсада, ўқувчига ўтилаётган мавзунинг етказиб бериш деган гап бор.

Мана шу "етказиб бериш" таълимдаги энг муҳим жиҳат! Бу жиҳат ҳеч қандай тоифага боғлиқ эмас. Бу — ҳаммага ҳам насиб қилавермайдиган, ўқитувчидаги туғма бир иқтидордир. Шунданми, энг паст тоифадаги ўқитувчи олий тоифадаги ўқитувчидан ўн карра, юз карра яхши дарс ўтиши мумкин.

Мингта ўқитувчи, олий тоифали бўлса ҳам, ўқувчига етказиб беришда минг хил қобилиятга эга. Дейлик, мингта ўқитувчининг ҳар бири йигирматадан ўқувчига дарс ўтди. Йигирмата ўқувчининг ҳам ҳар бири ҳам ақли, ҳам қалби билан ушбу мавзунинг йигирма хил қабул қилади. Табиийки, йигирмата ўқувчида ҳам йигирма хил қобилият бор. Натижа шундай хилма-хиллик билан яқун топар экан, бир нарсга ҳайронман, нима кераги бор экан бундай тоифаларни?

Албатта, дарс жараёнида мингта ўқитувчининг ҳам, юзталаб ўқувчиларнинг ҳам қалбида оздир, кўпдир "Ватанпарварлик" туйғуси ҳақида нимадир пайдо бўлади. Аммо, кўнғироқ чалинганида бу туйғулар барчада, ҳавога кўтарилган буғ сингарни, тарқалиб учиб кетади.

Эх!.. Қани эди шу мингта ўқитувчининг бир соатлик дарси билан ҳаммани ватанпарвар қилиб бўлса?!

Бир юртнинг одамлари Ватанпарварми ёки йўқми — буни фахмлаш учун шу юртнинг кўчаларини, одамларга вужум бўлган масалан: бозорларини озгина эътиборли бўлиб кузатишнинг ўзи кифоя. Одамлар кўчага қўлидаги қоғоз, сигарет қолдиғи, писта пўчоклар, ахлатларни ташлаётгани ёки йўқ, биринчи омиш шу! Чунки тупроқ бу Ватаннинг юзи деб билмоқ керак. Ватанни юзига менсимасдан бундай ахлатларни одатий ҳолдек бепарво ташлаб кетаётган одамларда ватанпарварлик туйғуси

йўқ! Бу аниқ. Бу ўрганишнинг биринчи омили. Кейингилари ёшлар катталарни ҳурмат қиляптими, катталар ёшларни иззатда тутяптими? Аёллари-қизларини эркаклар, тўғри маънода, қизғанияпти-ми? Одамлари одоблими? Мана бу омишлар рисолагидек бўлса, демак бу миллатни энгиб бўлмайди, бу миллатни буюк келажак кутяпти. Ҳар бир гиёҳини, ҳар бир жонзотини, ҳар бир ҳайвонотини яхшию-ёмон томонлари билан қўшиб севиш, мана шу — Ватанпарварлик!

Гапнинг рости, кўпчилик, Ватанпарварлик деса, мабодо уруш бошланиб кетса қўлига қурол олиб Ватанни ҳимоя қилишни тушунади. Йўқ ундоқ эмас. Ватанни ҳар бир нафасимизда севишимиз керак. Еримизга туфламаябмизми...., кўчадаги дов-дарахтлар ховлимиздаги дов-дарахтлар билан бир хил маъно касб этиптими, нафсимиз йўлида юртдошларимизни алдамаяпмизми, одамларни бир-бирига ёвлаштириб юборадиган ёлғонни гапирмаяпмизми, тилимиз, урфу одатларимиз кадриятларини баланд кўтараяпмизми, маданий миллий меросимизни кўз қорачиғидек асраяпмизми, аёлларимизни, қизларимизни бегона кўзлардан ҳимоя қиляпмизми, ота-оналаримиз ҳурматини ўрнига қўйяпмизми, Ватан хизматларини, қайси соҳада бўлсада, чин юракдан бажараяпмизми, тарихимизни, адабиётимизни ҳаққоний ёритапмизми, ўзгалар дилига озор беришдан тийилиб бир-биримизни кўрганда дил қувонадиган инсон бўляпмизми, ўз ишларимизга, вазифаларимизга масъулият билан ёндошяпмизми? Ватан ҳақида битта, бир дона умумий қўшиғимиз борми? Ватанпарварлик тушунчаси, туйғуси остида шу нарсалар яширинган.

Агар биз шу нарсаларга қодир бўлсак кейин, кейин муқаддас Ватан деган сўзни атрофида бирлаша оламиз, яқдил бўла оламиз. Том маъно-

даги Ватанпарварга айланамиз. Ватанпарвар сўзи замирида шу гаплар бор, менимча...

Эх!.. Қани эди шу мингта ўқитувчининг бир соатлик дарси билан ҳаммани ватанпарвар қилиб бўлса?!

Ватанпарварлик дарсини ўтиб чиққан икки аёл ўқитувчи, синф журналининг "ўқитувчилар хонаси"га тезда қўйиб, хонадан ҳам тез чиқишиб қаёққадир шошишмоқда. Рўпарасидан чиқиб қолган яна бир аёл ўқитувчи бу икки олий тоифали ўқитувчилардан:

Қаёққа, шошилиб кетяпсизлар? — деб сўрайди.

"Indenim"га (савдо нуқтасини номи) дейишади. Бугун эллик фоизлик акция бошланди. Ўлиб кетсин, мана бу дарс ҳам ўчакишди. Тезроқ бормасак яхши-яхши нарсалардан қуруқ қоламиз...

Ватанпарварлик дарсидан чиққан бир гуруҳ эркак ўқитувчилар "ўқитувчилар хонаси"да ўзларига тегишли ўриндикларга ястаниб ўтириб олишиб, гап бошлашади:

— Ошхонада бугун нима овқат экан? — дейди тарих ўқитувчиси Сохтаев. — Эрталаб нонуштани яхши қилмаган эдим, қорин очиб кетди — дея иршайди.

— Ҳозир завучни (илмий бўлим мудир) кутайликчи? Эшитишимча комиссия (тафтишчилар)га қилинган овқатни комиссия аъзолари емасдан кетган эмишлар, — дейди, эллик йилдан бери бошланғич синфларга дарс ўтавериб ўзи ҳам ёш болага айланиб қолай деган, сочу соқоли оппоқ бошланғич синф ўқитувчиси Болажонов тиржайиб.

— Қалайдан ҳам тайёр овқатни ташлаб кетишди экан-а, — дейди қитмирлик билан чизмачилик ўқитувчиси Жазвалов.

— Ҳозир "бренд"га кирганку мактаб ошхоналарида овқатланмай ҳашамдор ошхоналарда овқатланиш. Завхоз (хўжалик мудир) бирга кетган, — дейди ҳамма билан тортишиб юривчи, кўпни кўрган физика ўқитувчиси Тортишев.

Шу пайт хонани эшиги очилиб турки совук завучни "ёқимли" башараси кўринади.

— Ҳамма ошхонага махсус овқатга! — деб, эълон қилади. Ҳақиқатдан ҳам, бу гал завучнинг совук баша-

раси барчага "ёқимли" кўриниб кетади. Шу билан бирга ғийбатларга нуқта қўйилади.

Барча ўқитувчиларнинг кўнғилига хуррамлик кириб, махсус овқатни таъмини тилида ҳис этиб, оғизларидан суви келиб, қоринларини силаганларича, иршайишиб ўринларидан турадилар.

Ватанпарварлик дарсидан илҳомланган ўқувчи уйига келиб:

— Ота! Она! Бугун бизга Ватанпарварлик ҳақида дарс ўтилди, — дейди гурурланиб.

Она:

— Бўпти болам, яхши бўпти. Кел овқатингни е дарров. Кейин дўконга чиқиб келасан...

Телевизорни тагида ёнбошлаб олиб, футбол кўраётган ота:

— Менга ҳам нос олиб келсин, — деб кўяди томоғини кириб.

Овқатини еб бўлган боласига она:

— Болам анави янги дўкончининг қўли кинғир экан, гуручни тортиб бераётганда тарозига диққат билан қараб тургин, алданиб келсанг, адабингни бераман, — дейди.

Ота:

— Ўғлим, носфурушнинг дарвозасини очиб тўғри кириб кетавер, чақирма, носфуруш ховли томонидаги кичкина уйчасида яшаяпти. Хотини билан уришиб қолган. Болалари ҳам хабар олмайди. Ҳозир носвойни яшириб сотяпти. Носни уйда сотиш мумкин эмас эканми-ей ёки солиғини тўламайдимий, ишқилиб шунақа. Отам жўнатди, дегин яхшисидан, мен чекадиганидан берсин...

Дарсдан илҳомланган яна бир ўқувчи уйига келиб:

— Она, бугун бизга Ватанпарварлик ҳақида махсус дарс ўтилди, — дейди.

Она:

— Бўпти, чойингни ичгинда тезда дадангинг олдида борасан, аравагани етаклаб аввалги сафардагидек орқа томондан боргин, даданг кўмир олиб қўйибди, олиб келасан.

Бола билади дадаси боғчада қорувул бўлиб ишлайди...

Эх!.. Қани эди шу мингта ўқитувчининг бир соатлик дарси билан ҳаммани ватанпарвар қилиб бўлса?!

Мурод ҚОДИРОВ



ОТА ЎФИЛ



2007 йил, февраль. Иш жойимизда бир шеригимнинг ножўя харакати сабаб чап тиззамдан оғир жароҳат олдим. Ўша вақтларда қишлоқда уйимиз яқинидаги ўғит сақланадиган омборхонада юк туширувчи ва ортувчи бўлиб ишлардим. Баландлиги саккиз метргача тахлаб ташланган 50 килолик қоплардаги минерал ўғитлар қиши билан сақлангани учун муз бўлиб қотиб қоларди. Тепада ишлаётган бир йигитнинг қўлидаги қоп тушиб кетиб чап оёғимга урилди. Тиззамдан операция қилиндим.

Бир ҳафтадан ошиқ вақт шифохонада даволанганимдан кейин уйга жавоб беришди. Ҳар ҳафта шаҳарга тиббий текширувга бориб келардим. Чап тиззам бинт билан ўраб боғлаб ташланган, букилмайди. Машинага фақат олди ўриндикка ўтира олардим. Шаҳарга боришим керак бўлган куни киракашлардан бирини чақирамиз, келиб уйдан олиб кетади. Иккита қўлтиқ таёқда юраман. Ҳайдовчи туман марказига бориб яна уч киши излайди, бир ўзим тўрт одамга лойиқ пул беришга қурбим етмайди.

Бир сафар ҳайдовчи туман марказида шаҳарга кетадиган одам излаётган эди. Атроф тўла машина, ҳайдовчилар бақир-чақири, шовкини, бозорни эслатади. Ўрта ёшлардаги бир аёл келиб орқа ўриндикка ўтирди. Сал вақт ўтиб бир йигит келди ва аёлнинг ёнидан жой олди.

– Ҳозир яна бир киши олсак кетамиз, – ҳайдовчи йигит шундай дея нари кетди.

Орадан ўн дақиқа ўтар-ўтмас, ўн олти, ўн етти ёшлар атрофида бўлган бир йигитни эргаштириб келди. Қўлида иккита катта сумка, ёнида қирқ беш ёшлар чамаси бир одам ҳам бор, кўринишидан йигитнинг отаси. Сумкаларни машинанинг орқа юк хонасига жойлаштиришаётган вақти, қўлида машина калитини ўйнатган бир йигит келиб:

– Сен нега мен билан кетишингни айтиб, энди бошқа машинага ўтираяпсан? – дея ёш йигитга рўпарама-рўпара келиб ўдағайлай бошлади.

– Ака, мен фақат сиз билан кетаман, деб сўз берганим йўқ-ку, фақат нечи сўм билан шаҳарга олиб борасиз деб сўрадим, – дея жавоб берди у.

– Менга фарқи йўқ, сен мен билан кетасан, – у шундай дея ёши катта одамнинг қўлидаги сумкани ўзига тортди.

– Ука сенинг машинанг тушликкача ҳам тўлмайди, ўғлим дарсларига кеч қолади, – гапка аралашди йигитнинг отаси.

– Менга фарқи йўқ, – яна битта гапни қайтарди зўравон ҳайдовчи.

Хуллас оғзаки тортишув ёқалашига, ёқалашив муштлашувга айланди. Қаердандир пайдо бўлган яна тўрт муштумзўрлар зўравон ҳайдовчига кўшилиб ота-болани ура кетишди. Бизнинг ҳайдовчи машинага ўтириб эшикни кулфлаб олди.

Орқада ўтирган йигит кичрайиб ўриндикда кўринмай қолди. Соғлом вақтим бунақа муштлашувларнинг ўртасида бўлардим доим, ҳозир иложсизман, олдий кузатувчи бўлишдан бошқа иш қўлимдан келмади. Катта кўча, одам кўп, ҳамма безътибор, ҳамма менга нима деб томошабин бўлиб ўтирибди.

Беш киши икки кишини роса савалади, беш муштумзўрлар, отанинг олдида ўғлини урди, ўғлининг олдида отанинг

қошини ёрди, лабини ёрди, бурнини қонатди.

Орқа ўриндикда ўтирган аёл тушиб аралашмаса билмадим охири нима бўларди. Виждони бор, ғужури бор, жони бор аёл экан. Ҳалиги бешовлоннинг барини уриб қувди, қўлидаги аёллар сумкаси билан бошига солди. Каратэга қатнашган шекилли, бир-икки тепиб ҳам олди. Кейин бақирди, атрофда томоша қилиб турган ҳаммани бара-вар тузлади.

– Қўрқоклар, виждонсизлар, бирон-танг келиб ажрата олмадинг номардлар, эртага шу йигитча ўрнида сенинг боланг бўлиши мумкин, эртага шу одам ўрнида сенинг отанг бўлиши мумкин, ўшанда бошқалар сенларни томоша қилиб туришади. Э, ўлэ баринг бу кунингдан...

Опанинг сўзлари юрак-юрагимни тешиб ўтгандек бўлди. Ҳақиқатдан кўрдим мен ҳам. Жанжал вақти машинага беркиниб ўтирган ҳайдовчига туш ажрат десам, "ака буларга ҳеч ким бас кела-олмайди, кўрқаман" деди очикдан-очик.

"Бўлмаса орқа юкхонадан қўлтиқ таёқларимни олиб бер, мен ажратаман!" дедим. "Ака тинч ўтиринг, яхшилаб бир тепса, иккинчи оёғингиз ҳам майиб бўлади", деди у.

Ростдан ҳам сал кам бир ойдан бери еган азобларим кўз олдимга келди ва жим ўтирдим кўрқиб. Жанжал босилгач, йигит машинага ўтирди, йўлга тушдик. Отаси қолди, ҳамма жойи қон.

– Мендан ҳавотирланма ўғлим, дарсингдан қолма, нима бўлсаям яхши ўқи, – дея тайинлаб юборди.

– Одаммас экансан, қуён юрак, рўмол ўра бошинга, – деди опа ҳайдовчига.

Ёнида ўтирган йигитга гапирмади ҳам, у ўзи бир кўриниб бир кўринмай қолаётгани учунми гапириш ҳам шартмас деб ўйлади шекилли. Бир пайти елкамга гурсиллатиб солди. Афтидан менга эътибор қилмаган экан.

– Э гавданг қурсин сенинг девдай бўлмай ўл, ўтиришинга қара раис бовадай бўлиб, қай гўрдайдинг, а тушиб ажратсанг биров сени уриб ўлдириб қўярмиди, – нақд қулоқларим остида бақирди ўзим.

Бўларим бўлди, мен касалман дейишга ор қилдим, ўзимни оқлашга бир сўз айта олмадим.

Опани гап халтаси очилганди ярим йўлгача тузлади роса.

Талаба йигит пик-пик йиғлаб келаяпти.



ТАҲРИРИЯТДАН: Бахтиёр Турсун ёзувчи эмас, бунга даъвогарлиги ҳам йўқ. Аммо ёзганлари ҳаётини ва самимийки, бунақасини зўр адибман дегани ҳам тополмайди. Мусофирчиликда, бола-чакам, деб юрган Бахтиёр аканинг катта-кичик хикояларида инсон дарди, изтироблари, андуҳи бор. Ишдан вақт топиб, одамийликка ундовчи бу каби нарсаларни ёзиш учун ҳам инсон боласида тоза юрак бўлиши керак. Ана шундай қалб соҳибига ижодий парвозлар ёр бўлаверсин, деб қоламиз.

Бахтиёр ТУРСУН

ЖАМИЯТ



Муассислар:

Ўзбекистон
Республикаси
Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон
Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир
Максуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-810
Адади: 1015.
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 3 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
99-791-43-23,
99-994-70-52

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00
1 2 3 4 5 6



ТУШИМИЗГА ҲАМ КИРМАГАН ИМКОНИЯТЛАР

Эрта тонг. Куёш уйқудан уйғониб, табассум ила оламга илиқ ва ёқимли нур соча бошлаган чоғ янги кунга соғ-саломат кучоқ очишга насиб этгани учун Оллоҳга шукроналар айтиб, Тошкент молия институтининг спорт мажмуаси томон отланаман.

Кундузги ҳаёт эндигина бошланаётгани учун теварак-атроф деярлик жим-жит. Одамлар ҳам, турли-туман машиналару автобуслар ҳам сийрак. Ҳаво ҳали чанглару газларга қорилмаган ҳам, қоврилмаган ҳам. Ҳар холда тўйиб-тўйиб нафас олишга арзигулик. Бундай пайтда ўзингни енгил, бардам ва чакқон ҳис этасан киши. Кайфиятинг яхши бўлгани учунми, пиёда юрган саринг юргинг келаверади. Хаёлингни ширин ўйлар, ширин ташвишлар, орзу-ниятлару эзгу умидлар чулғайди.

Амир Темур шоҳ кўчаси бўйлаб юрар эканман, ёнимдан зув этиб ўтган “Нексия” машинаси ичидан таралаётган Ўзбекистон халқ артисти Маъмуржон Тўхтасиновнинг ширин ва ёқимли овозини эшитиб, таққа тўхтаб қолдим. У Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Яхшилик” ғазалини ички бир дард, ёниқ бир эхтирос билан куйларди. Қани энди, ўша машина олдимда бирпасгина тўхтаганда кўшиқни маза қилиб эшитган бўлардим-а, деган ўй билан йўлимда давом этдим. Кулоқларим остида мен яхши билган ва яхши кўрган санъаткорим айтган бу кўшиқ ажиб бир жозибаси билан янгради:

Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиг?

Кимки, ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиг!..

Бу мумтоз кўшиқнинг сўзлари-ю, оҳангига мафтуну маҳлиё бўлмаган, уни бутун вужуди билан берилиб тингламаган, беихтиёр бош тебратганча хиргойи қилмаган одам бўлмаса керак. Маъмуржоннинг нола-ю, фиғони юрагингни ўртаб, ич-ичингдан кўтарилиб келаётган тўфонни куйга, сўзга, кўшиққа айлантиради. Кўшилиб куйлай бошлайсан. Мен ҳам уни ўзимча ўзгача бир иштиёқ билан хиргойи қилганча Олой бозоридан ўтиб, спорт мажмуасига олиб борадиган йўлга бурилдим. Йўл одатдагидек мен борадиган манзилга ошиқаётган турнақатор йигит-қизлар-у, уларнинг ота-оналари билан гавжум эди. Ҳаш-паш дегунча мен ҳам ана шу оқимга сингиб кетдим. Ота-оналарнинг ўғил-қизларига айтаётган гапларига кулоқ тутганча юзу-кўзларига тез-тез нигоҳ ташлаб-ташлаб борардим. Бири “саволни аввал тушуниб олгин-да, сўнг тўғри жавоб беришга ҳаракат қил, ўғлим” деса, бири “шошмагин кизим, олдин саволларни ўқиб чиқ. Билганларингга жавоб бериб, кейин қолганлари ҳақида бош котир. Биз дуо қилиб турамиз” дейди. Йигит ҳам, киз ҳам бош силкиб кўяди. Нигоҳлар жиддий ва ўйчан. Оқимдаги ёшларнинг ҳаммаси ҳам шундай. Кўзлари йўлда-ю, хаёлларида эса танлаган йўналишлари бўйича ўқиган китоблари. Гоҳ унисини, гоҳ бунисини варақлайдилар. Қайси бирлари мобил телефонига қараб-қараб, ёдлаганларини шивирлаганча такрорлар, қайси бирлари отаси ёки онаси билан савол-жавоб қилиб борарди. Имтиҳон тести бошланишига ҳали вақт борлиги учун оқимдагилар шошилмай одимлашарди.

Мана, Тошкент молия институти-

нинг ҳашамдор спорт мажмуаси. Атрофлик тўла одам. Соат 7,30. Абитуриентлар навбат билан ҳужжатларини кўрсатиб, мажмуа залига киришмоқда. Ота-оналар ўзлари учун тайёрланган кутиш жойига. Институтнинг махсус кийим-бош билан таъминланган волонтерлари билан бирга миллий гвардия ва ички ишлар ходимлари аллақачон ишга киришган, бир томонда қатор яхна ичимликлар-у, озик-овқат маҳсулотлари дўконлари, бир ёнда “тез тиббий” ёрдам гуруҳи хизматга шай.

Соат 8,00. Куёш олов пурқаётганга ўхшайди. Ҳарорат лаҳза сайин кўтарилиб борар, минг абитуриентга мўлжалланган спорт зали эса салқингина. Кучли совутгичлар бир меъёрда ишлаб турибди. Бу ерга кирган одамнинг қайтиб чиққиси келмайди. Роҳатижон. Абитуриентга берилган уч соат вақт давомида ҳарорат бир хил бўлиб туради. Бунинг устига ҳар бир абитуриентга алоҳида ихчамгина стол-стул қўйилган. Имтиҳон давомида залга бирон бир киши киритилмайди. Барча абитуриентлар қатор оралаб юрган кузатувчилар нигоҳида. Иш жараёнининг ипидан-игнаси ота-оналар кутиш жойидаги катта экранда яққол кўриниб турибди.

Соат 8,30. Дарахтлар соясида саф торган қатор-қатор скамейкалардан жой олган ота-оналарнинг кўзлари экранда. Ҳар бири ўз ўғил-қизини излайди. Нима қилаётганини кўргиси келади. Совутгичлар ишлатиб қўйилган шу ердаги зал ҳам ота-оналар ихтиёрида. Уларнинг кўпчилиги волонтерлар томонидан тарқатилган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг сўровномасига ўз муносабатларини билдиришмоқда. Карнайдан оҳистагина таралаётган ёқимли кўшиқ дилларга завқу шавқ бахш этиб, руҳингизни гўзал туйғуларга ошно этади.

Даврага Тошкент молия институти ректори, иктисод фанлари доктори, профессор Тўлқин Тешабоев кириб келади. Ота-оналар билан саломлашиб, дейди: “Мана, бир неча кундирики, институтимизга қарашли бўлган спорт мажмуасида минглаб ёшларимиз тест синовидан ўтишмоқда. Бу жараёни абитуриентларимизнинг ота-оналари экранда мунтазам кузатиб бормоқдалар. Кўриб турганингиздек, бўлажак талабаларимизга ҳам, уларнинг ота-оналарига ҳам зарур шароит яратиш қўйилган. Бирон бир муаммо ёки саволларингиз бўлса, волонтерларимиз хизматингизга тайёр. Шубҳасизки,

ҳаммаларингиз ҳам ўғил-қизларингизнинг талаба бўлишига насиб этишини яхши ниятлар ила Оллоҳ таолодан сўраб турганликларингиз аниқ. Буни чехраларингиздаги умид ва ҳаяжон ҳам айтиб турибди. Мен ҳам сизларга тилакдошман...”

Инсон онги-шуури, тафаккури, маданияти-ю, маънавияти ва яратувчанлиги юксалиб борган сайин унинг эҳтиёжи ҳам ортиб бориши табиий. Шўролар замонида олий ўқув юртига кириш учун тақдим этиладиган биргина тиббий маълумотномани қўлга киритиш учун неча кунлаб сарсон бўлинар, уни яна институт ёки университет тиббиёт бўлимидан тасдиқлатиб ҳам олинар эди. Бунинг устига тайёр ҳужжатни қабул комиссиясига топшириш учун ҳам эртадан кечгача сарғайиб туриларди. Бугунчи?! Бугун буларнинг ҳаммаси замон талабларига мос равишда тубдан ўзгарди. Энди абитуриент елиб, югурмайди. Вақтини шамолга совурмайди. Асабини бузмайди. Нимаики шарт бўлса, электрон тарзда топширади. Бу жуда осон ва қулай. Энг муҳими, бир йўналиш бўйича бешта университет ёки институтга (кундузги, кечки ва сиртки таълим) онлайн кўринишда ҳужжат топшириш мумкин. Бундай имконият ҳозирги абитуриентларнинг ота-оналари у ёқда турсин, ҳатто боболари билан бувиларининг ҳам тушларига кирмаган. Билган одам учун бундан зўр имконият йўқ. Бунга фақат билим керак, холос. Бир неча йилдирки, барчамиз шохид бўлиб турганимиздек, ўз келажагини, ўз бахтини билимда кўрмоқчи бўлган йигит-қизлар пухта тайёргарлик билан бир вақтнинг ўзида беш ва ундан ортик олий ўқув юрти талабаси номини олишга мушарраф бўлмоқдалар. Бундай салоҳият на фақат билимдон талабаларимизнинг ўзлари учун, балки миллатимиз ва давлатимиз нуфузи-ю, равнаки учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Тест – топқирлар майдони. Бу майдонга кирган йигит-қизнинг қуроли билим. Яъни саволларга қарши қўйиладиган жавоблар. Улар қанчалик асосли, аниқ ва ишончли бўлса, ғалаба имконияти шунчалик ортиб бораверади. Бу майдонда таваккалчилик ва шошма-шошарликка ён бериб бўлмайди. Бу мағлубиятнинг гарови. Ичкаридан чиқиб келган абитуриентларнинг чехраларига назар солар эканман, ким билимини ишга солганини-ю, ким таваккал қилганини осонгина топиш

мумкин эди. Ғолиблар ғалаба чўққисини забт этгандек хурсанд кўринсалар, таваккалчиларнинг тарвузи кўлтигидан тушганлиги маюс ўйлар гирдобига фарқ бўлганлигидан билиниб турарди. Буни билиш учун мен ҳам ўзимни бир синаб кўрай дедим-у, ишини қойиллатиб кўйгандек кайфиятда чиқиб келган кизга пешвоз юрдим.

– Ассалому алайкум!

– Ассалому алайкум!

– Марҳамат қилиб ўзингизни таништирсангиз?

– Ҳайдарова Шабнам Исомиддин кизи.

– Қайси йўналиш бўйича тест топшириб чиқаяпсиз?

– Тиббиёт йўналиши бўйича.

– Бўрими ёки куён?

– Бўри, – деди қиз жилмайиб.

Мен қизга омад тилаб улгурмасимдан ёнимизга қирқ ёшлар чамасидаги, буғдойранг йигит билан ўрта яшар аёл келиб қолди. Саломлашиб, хол сўрашдик. – Бу киши дадам, Исомиддин Усмонов, бу киши эса онам, – таништирди Шабнам шарқона ибод билан.

– Қизингиз яхши касбни танлабди, омадини берсин, – дедим уларни кулаб. Шундан сўнг, суҳбатимиз кизиб кетди. Исомиддиннинг ўзи ҳам шифокор экан. Шифокор бўлганда ҳам олим шифокор. Тиббиёт фанлари доктори. Катта қизи ўқитувчи бўлиш мақсади билан олий ўқув юртида таҳсил олаётган экан. Кенжа қизи ота касбини танлабди. Ажойиб.

Улар билан хайрлашиб, кизига кучоқ очган яна бир онанинг қувончига шерик бўлдим. Ўзини Юлдуз Сайфуллаева деб таништирган бу аёлнинг кизи Диёра Назаралиева Тошкент шаҳридаги 19 сонли ўрта таълим мактабининг рус синфини бу йил битириб, шифокор бўлишга аҳд қилибди. Диёранинг хурсандлигидан таваккал қилмагани яққол сезилиб турар, шу боис унга муваффақият тилаб, кўзлари билан кимнидир излаётган абитуриент кизга юзландим. Стоматолог бўлиш орзуси билан тестга кирган Муниса Миржалолова ўз омадини иккинчи бор синовдан ўтказибди.

– Бу йил пухта тайёргарлик кўрдим, – дейди у ишонч билан. – Ниятимга етмагунча чекинмайман!

Ёшлигиданок отаси Сарвар Аскархўжаевнинг ёнида туриб дурадгорлик касбининг сир-асрорларини эгаллаган Сайфулло олий маълумотли курувчи-меъмор бўлишга аҳд қилибди.

Бугун мамлакатимизнинг минг-минглаб ана шундай шижоатли ёшлари орзу қилган соҳаларининг етуқ мутахассислари бўлиш учун тест имтиҳонларини топширмоқдалар. Уларга айтадиган тилагимиз битта: ҳаммаларининг ҳам орзулари ушалиб, элу-юртимизнинг бахт-саодати йўлида хизмат қиладиган фидойи инсонлар бўлсинлар!

Нуриддин ОЧИЛОВ.